
Тоҳир Малик

ҲУСНИ ХУЛҚ

Тошкент – 2016

Тузувчи

Наргиза Умурзоқова

Доно фикрни, ўткир ҳикматни, теран тафаккурни, сўз хазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассам этган ранг-баранг ҳикматли сўзларни ўз ичига олган ушбу китоб нутқимизни ўстиради, қалбимизда ҳис-ҳаяжон уйғотади, ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга ундайди.

Китобда жамланган сўзу иборалар, афоризмлар муаллифнинг “Одамийлик мулки” китобидан саралаб олинган бўлиб, ўйлаймизки, Сиз азиз ўқувчиларнинг билим савиянгизни ўстириб, нутқингизни равшан ва таъсирчан қилади, ҳаёт йўлингизни танлай билишингизга, мураккаб жумбоқ ҳамда муаммоларга тўғри ечим топишингизга ёрдам беради, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳаттўйингиз бўлади.

И Ш Қ

Ҳикмат – битмас-туганмас хазина. Харжлаганинг билан камаймайди. Асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди.

* * *

Донолар демишларким: “Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфангга эмас, ичингдаги кўзгуга боқ”. Биз эса, кунда неча бор кўзгуга қараймиз? Қалбимизга-чи?

* * *

Чаённинг заҳари бадангадир, берадиган азоби эса бир кун, ярим кун давом этади. Ёмон ахлоқнинг қалб софлигига берадиган зарари эса кўрқинчлироқ, ўлимдан кейин эса абадиян ва ё мингларча давом этадиган кўрқуликдир.

* * *

Бу дунёнинг одамлари бир-бирларига маҳрам бўлишни истасалар, дўстлик йўлида ўз азиз жонларини ҳам аямайдилар. Бундай одамлар садоқатли асл дўстлардир.

* * *

Дўст йўлидаги боғлардан бири – яхшилиқни эътироф этишдир.

* * *

Дўстлик оламида кибр қуёшидан баҳра олиш мукофоти – юлдузсиз тундир.

* * *

Бу фоний дунё – имтиҳон дунёси экан, ҳар бир авлод бу имтиҳондан ўзига хос тарзда ўтади. Ҳар бир авлоднинг афзалликлари ва гуноҳлари ҳам бўлади.

* * *

“Сени отанг пуштида, онанг қорнида тарбиялаб дунёга келтирдим. Дунёга келганингдан сўнг ҳам турли-туман неъматлар билан тарбия қилдим. Хўш, нега энди ниятингни бузиб, мендан ўзгани дўст билдинг?”

Хушмуомалалик – дўстлик боғидаги дарахтларга ҳаёт суви берувчи бир чашма.

* * *

Дўстликнинг аввали – танишмоқлик. Таъбир жоиз бўлса, танишиш – дўстлик манзилига олиб борувчи бир йўлдир. Агар бу йўлдан тўғри бормаи, пойинтар-сойинтар, эгри-бугри қадам ташланса, ғийбат, иғво, ҳасад ариқларидан сув ичиб турилса, ўртада душманлик пайдо бўлиши, шубҳасиздир.

* * *

Устозлар ҳикоя қиладилар:

“Бир одам чўлда кетаётиб бадбашарани кўради ва ундан: “Сен кимсан?” – деб сўрайди. Бадбашара: “Мен сенинг ёмон амалларингман”, – дейди. У одам: “Сендан қутулишнинг иложи борми?” – деб сўраганида, у: “Бор, бунинг учун Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг гўзал ахлоқига эга бўлишинг ва унга салоту салом йўллашинг керак!” – деб жавоб берган экан.

* * *

Одамнинг ўзи қадрли эмас, одамийлиги қадрли.

* * *

Ҳар кишининг тақдирини Аллоҳ ҳали туғилмасидан белгилаб қўйган. Аммо кишининг рўпарасида икки йўлни ҳам берган: бири – ҳидоят, иккинчиси – залолат. Бу йўллардан қай бирини танлаш учун эса унга ақл, зеҳн ва фаросат ҳам берилган.

* * *

Отанинг иш-амали фарзандига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Болани тергаб назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди. Тарбиядан ташқари, бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради.

* * *

Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан иборат.

* * *

Биз фарзандларимиз тақдири учун ҳужайраларнинг энг олис нуқтасигача, вужуднинг ҳар бир заррасига қадар жавобгар бўлган кишилармиз.

* * *

Кишидаги фазилат гўё фарзанд каби, уни авайлаб-асраш ва янада баркамол этиш лозим.

* * *

Инсоннинг улуғлиги ўзини идора ва тарбия қилиш кучига эга бўлиши билан билинади.

* * *

Роҳатда яшашни истасанг – дилингни ҳирсдан пок қил.

* * *

Ўзгага тарбия беришдан кўра, ўзни тарбия этмоқ юз чандон оғирроқдир. Ўзгага тарбия бериш учун билим ёки ҳаёт тажрибасига таяниб, тоқатингиз етганича насиҳат қиласиз. Тарбияланувчи насиҳатларингизни қулоққа олмаса, қўл силтаб қўя қоласиз. Киши ўзини тарбия қилиш учун эса жуда мустаҳкам иродага эга бўлиши даркор. Чунки ўзни тарбия этмоқлик вужудингизга ҳукмронликни даъво этаётган нафс ва шайтон билан олишиб, енгмоқликдир.

* * *

Ботқоқликда ювиниб, покланишга уринишдан наф йўқ.

* * *

Инсоннинг инсон бўлишига боис тарбиядир ва у уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машққа.

* * *

Бош ақл ва илмга тўлиб-тошса ҳам, ахлоқни сира унутмаслик керак: инсон ўзидаги маънавий жиҳатларни, виждон ва нафсни тарбиялаши, эҳтиросини бошқара олиши, хунук одатларни тарк этиши, илмий ютуқларини инсоният фойдасига йўналтириши керак.

* * *

Икки муслмоннинг бирлашгани икки қўл кабидир: бир-бирини поклайди. Битта қўл чала ювади, ўзидан бошқасини юволмайди. Аммо икки қўл бир-бирини тозалайди.

* * *

Ҳазрат Ҳофиз Шерозий дейдиларким: “Доно қарияларнинг насиҳатига бахтли ёшларгина қулоқ соладилар”.

* * *

Маст одамга “ичма” деб насиҳат қилиш – шамолга қарши қичқиритиш кабидир. Ғазабга миниб бировни сўкаётган одамнинг қулоғига ҳам сўкишнинг гуноҳ экани ҳақидаги насиҳатлар кирмайди. Насиҳатгўй тарбиясидаги одамнинг ёши, ақл даражасини, айни дамдаги руҳий ҳолатини ҳам ҳисобга олиш шарт.

* * *

Алҳол, илм олиш ҳам тарбиянинг асосидир.

* * *

Гўзалликка мафтунлик – ҳар бир ишни гўзал тарзда, яна гўзал ахлоқ билан бажаришни талаб этади.

* * *

Қўл урган ҳар бир ишни гўзал ва мукамал қилиш, энг юксак даражада, энг сифатли тарзда, муваффақиятли адо этиш учун яхши тарбия берилмоғи зарур.

* * *

Ислом – сўздан – маънога, шаклдан – руҳга, зоҳирдан – ботинга кириб боришни билади.

* * *

Дин – ахлоқни тузатишнинг энг яхши йўлидир.

* * *

Ахлоқ – инсонлар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи энг муҳим омил.

* * *

Ёвузлик, ёмонлик, разолат – инсондаги ёмон хулқнинг суюкли фарзандлари ҳисобланади ва унинг уч манбаи бор: нафс, шайтон ва жаҳолат.

* * *

Ўтмишда донолар ўлимлари арафасида нималардан афсус-надоматлар чекишган бўлса, ўша ишлардан тийил!

* * *

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганлар: “Олимлар – пайғамбарларнинг ворисларидир”.

* * *

Заррадек бирор нарса кўзга тушса, албатта, кўзнинг кўришини ўзгартиради. Унинг кўриши нарса тушмасидан илгаридек бўлмайди. ...Бир аҳли муҳаббатнинг кўнглига Аллоҳдан бошқа нарсанинг муҳаббати тушса, албатта, Аллоҳ таолони севмоғи ўзгаради.

* * *

Ота-онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат талаб қилиши ножоиздир.

* * *

Ўғилнинг топган мулки ҳам, ҳатто ўзи ҳам ота-онанинг мулкидир.

* * *

Оқ бўлиш – ота-онага озор бериш, ранжитиш ва буйруқларини бажармасликдан иборатдир. Ота ёки онанинг ноқобил фарзандига қараб “сени оқ қилдим”, деб эълон қилиши шарт эмас.

* * *

Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи қувват – она жисмидаги қондир.

* * *

Отаси хаста экан. Катта акаси ақиқа маросимига тайёрланаётган экан. Бизда бунақа одат кўп учрайди. “Отам (ёки онам) кўриб қолсинлар”, деб тўй ёки бошқа маросимни тезлатамиз. Бу, албатта, яхши ният. Аммо бу ният ортида “отам (ёки онам) ўлса тўйим қолиб кетади (тўйга атаганларим азага ишлатилиб кетадими) деган ҳадик ҳам бўлади, бунини яширмайлик. Хуллас, биродаримизнинг акаси ақиқа дастурхонига олинажак неъматларни рўйхат қилиб ўтирганида, хаста ота “қуюлтирилган ширин сут ҳам олиб келгин”, деб илтимос қилибди. Шунда нодон ўғил ўйламай-нетмай “бунақа сут ҳозир отлиққа йўқ, қаердан топаман”, дебди. Хаста ота индамабди. Ўша пайтда бу нарсанинг топилиши чиндан ҳам қийин эди. Аммо ўғил отанинг кўнгли учун “албатта топамиз”, деса кифоя эди. “Худонинг марҳаматини қарангки, – дейди биродаримиз, – акамнинг бу гапларидан ранжиб турганимда бир дўстим дадамни йўқлаб, иккита нон билан ўша сўралган ширин сутдан олиб келди. “Мана, дада, сўраганингиз, очиб берайми?” деб сўрадим. Дадам банкани қўлларига олиб, худди гўдак бошини силагандек силадилар-да, “кейин очасан”, дедилар. Ақиқадан сўнг дадам хушларини йўқотдилар ва кўп ўтмай бу фоний дунёни тарк этдилар. Аёллар дадам истаган қуюлтирилган ширин сутни очиб, ширинликлар пишириб, маърака дастурхонига қўйдилар...”



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4658> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4658> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4658>